Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 4 октябрь, сешанба № 150 (21.754). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бош котиби Антонио Энрикес Савиньякни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни Тошкентда жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» халқаро анжуманининг очилиши билан қутлаб, унинг ишига муваффақият тилади.

— Икки юз элликдан ортиқ мамлакатни бирлаштирган бу нуфузли халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ҳар икки томон учун ҳам катта истиқболлар очади,— деди Ислом Каримов.— Юртимизда хорижий сайёҳлар диққатини тортадиган қадамжолар кўп. Чунки Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган, тарихи ва маданияти бой, қадимий ўлкалардан биридир.

А. Э. Савиньяк самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, анжуманни ўтказиш учун яратилган қулайликлар, кўрсатилаётган шарқона ҳурмат ва эътибордан мамнуният изҳор этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа бўйича вакили В. Жустн, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚУШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватанни ҳимоя қилиш ишининг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳарбий бурчни виждонан бажаришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ва махсус ўқув юртлари курсантларининг ҳар ойлик пул таъминоти ўртача уч барвар оширилсин.

2. Ҳарбий хизматчиларнинг муддатли хизматни ўтиш вақти хизматнинг бир ойини икки иш ойига ҳисоблаган ҳолда уларнинг меҳнат стажига ҳамда мутахассислик бўйича иш стажига қўшилсин.

3. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳамда ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларга имтиёзли шароитлар берилиб, тест синовлар чоғида улар тўплаган балларга имкони бўлган энг юқори миқдорга нисбатан 10 фоиз қўшилсин.

4. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилалари улар муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда ер солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚУШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгани муносабати билан қуролли кучларимиз ташкил этилган эди. Қуролли кучларимиз ҳозир оёққа туриш ва камолат даврини бошдан кечирмоқда.

Халққа ҳалол ва виждонан хизмат қилиш билан давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда мустақил Ўзбекистон халқининг тинч меҳнати ҳимоясида турган армиямизнинг жангговарлигини ошираётган Ватанимизнинг содиқ фарзандлари қуролли кучлар сафини тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ҳарбий соҳани мустаҳкамлашнинг барча масалаларини диққат марказида тутиб турибди ҳамда юрт ҳимояси ишининг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун шароитни яхшилаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг ўз ҳарбий бурчларини виждонан бажаришини рағбатлантириш юзасидан тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарори бу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир. Қарорда шу йил 1 октябридан бошлаб ҳарбий хизматчилар ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати махсус ўқув юртларининг талабалари учун ойлик таъминот уч баравар кўпайтирилади, яъни, мисол учун, оддий аскар илгари ойига 30 сўм олган бўлса, 1 октябрдан бошлаб унинг ойлик таъминоти қарийб республикамизда ўрнатилган энг кам иш ҳақи даражасига кўтарилади.

Шуни қайд этиш муҳимки, илгари истеъфога чиққан ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлган вақти унинг иш стажига бирга бир даражасида белгиланар, яъни, у армияда 1,5 йил хизмат қилган бўлса, унинг умумий меҳнат стажини ҳисоблаганда бу рақам ўзгармай қолар эди Энди эса, мазкур қарорга биноан, 1994 йил кузги чақирувдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат стажи ва мутахассислик бўйича иш стажи бир ой хизмати учун икки ой қилиб белгиланади.

Маълумки, илгари ҳарбий хизматини виждонан адо этган муддатли ҳарбий хизматчилар олий ўқув юртларига танловдан ташқари кириш ҳуқуқига эга эди. Тест синовларига ўтилиши муносабати билан бу имтиёзлар ўз-ўзидан бекор бўлди.

Бироқ, республика раҳбарияти муддатли ҳарбий хизматни виждонан адо этган ва ҳарбий қисм раҳбариятидан тавсияномага эга бўлган ҳарбий хизматчиларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзли шароитлар яратиб беришни лозим топди. Тест синовларида бундай ҳарбий хизматчиларнинг йиққан баллига тест синовларида кўзда тутилган энг кўп йиғилиши лозим бўлган баллнинг 10 фоизи қўшиб берилади. Мисол учун, 1994 йилда республиканинг техник олий ўқув юртларига киришда йиғиш лозим бўлган энг юқори балл 346,6 бўлган бўлса, ўтиш балли 158,1 ни ташкил этган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига биноан муддатли хизматни тугатган ҳарбий хизматчилар эса, техник олий ўқув юрти талабаси бўлиш учун 123,5 балл йиғса бас эди.

Бу — гуманитар олий ўқув юртларига кирадиган ҳарбий хизматчилар йиққан баллга 30,2 балл, иқтисодий олий ўқув юртларига кирадиганларнинг баллига 34,4 балл, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларига кирадиганларга 30,0 балл, тиббиёт олий ўқув юртларига кирадиганларга 32,4 балл, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларига кирадиганларга 37,2 балл қўшилар эди демакдир.

Бу — жуда сезиларли ҳамда адолатли имтиёз экани шундоққина кўриниб турибди.

Мамлакат фуқароси бир ярим йиллик умрини Ватанга беминнат хизмат қилишга, ўзининг ҳарбий бурчини виждонан адо этишга бағишлаган экан, у бунинг мукофотини ҳам олиши керак. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг ватанпарвар ҳимоячиларига нисбатан ана шундай ғамхўрлик қилмоқда.

Шуниси ҳам муҳимки, мазкур қарорга биноан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оиласи шахсий хўжалик юритишга ажратилган ер, турар жой қурилиши ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек ем-хашак ўриш ва мол боқиш учун олинадиган солиқдан озод қилинади.

Республикамиз шароитида бу имтиёзларнинг аҳамияти мислсиздир. Чунки бу имтиёзлар шарафли юрт ҳимоячиларини тарбиялаб етиштирган минглаб оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган барча чора-тадбирлар юртни ҳимоя қилиш ишининг нуфузини оширишга, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат шароитини яхшилашга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, шунингдек ҳарбий бурчни виждонан адо этишни рағбатлантиришга қаратилгандир.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши қатнашчиларига

МУРОЖААТ

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Сизларни — жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши қатнашчиларини қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий қутлайман. Анжуманингиз ўтказиладиган ж[illegible] сифатида жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон танлангани бизни беҳад қувонтиради.

Халқимизнинг тарихий илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Ўзбек заминни дунёга Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Ат Термизий, Нақшбанд, Улуғбек сингари қўплаб улуғ мутафаккир ва алломаларни етказиб берган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларимиз Буюк ипак йўлининг муҳим нуқталари ҳисобланиши билан бирга, меъморчилик, маданият, фан ва санъат соҳасидаги мислсиз ютуқлари билан барча қитъалардаги сайёҳлар эътиборини тортиб келган ва келмоқда. Катта нуфузга эга бўлган жаҳон сайёҳлик ташкилоти халқаро йиғилишининг асосий мақсади «Ипак йўли» йўналишида жойлашган давлатларнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишдан иборат эканини қайд этиш бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистоннинг эшиклари барча учун очиқ. Давлатимизнинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат.

Анжуманингиз иши янги сайёҳлик дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда оммабоп йўналишлар очилишига кўмаклашишига ишончим комил.

Халқаро йиғилиш қатнашчиларига бу олижаноб ишларида муваффақият, бахтсаодат ва равнақ-фаровонлик тилашга ижозат бергайсизлар.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» АНЖУМАНИ

Кейинги йилларда «Буюк ипак йўли» ибораси тез-тез қўлланадиган бўлиб қолди. Асрлар давомида Осиёни Европа билан боғлаб турган карвон йўлини қайта тиклаш, уни маданий ҳамкорлик воситасига айлантириш зарурлиги таъкидланмоқда. Маълумки, «Буюк ипак йўли» тарихи икки минг йилни ўз ичига олади. Бу йўлдан фақатгина ипак эмас, хилма-хил маҳсулотлар, улар билан бирга энг илғор ғоялар мамлакатлардан мамлакатларга ўтган. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бу қадимий йўлни тиклаш, уни икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик воситасига айлантириш ниятида. Эндиликда ана шу йўл бўйида жойлашган мамлакатлар билан бу режани муҳокама қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш зарурати туғилди. 3 октябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида очилган халқаро анжуман ана шу мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бу нуфузли халқаро ташкилотнинг йирик анжумани Ўзбекистонда ўтаётганидан мамнуният изҳор этди.

Сўнг А. Муталов Ўзбекистон Республикаси Президентининг йиғилиш иштирокчиларига йўллаган Мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бош котиби А. Савиньяк анжуман ўтказилишига розилик билдиргани ва катта тайёргарлик ишларини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда сайёҳлик ва тижорат ишлари қадимдан мавжуд бўлгани, бу борада катта тажриба тўпланганини таъкидлади.

— Буюк ипак йўли замирига назар ташлар эканмиз, сайёҳлик ишлари ўша даврларда ҳам даромад манбаи, иқтисодни юксалтиришда катта аҳамият касб этадиган соҳа, шу билан бир қаторда халқлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни ривожлантирадиган восита бўлганини кузатиш мумкин,— деди у.

ЮНЕСКОнинг халқаро маданий алоқалар лойиҳаларини тайёрлаш бошқармаси директори Дуду Дьен «Буюк ипак йўли» халқаро лойиҳаси ва унинг моҳияти ҳақида гапириб, мазкур анжуман бу лойиҳани амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, алоқадор вазирликлар ва ҳокимиятлар раҳбарлари, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчилари, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

• • •

Шу куни журналистлар учун брифинг бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов бошқарди.

У мамлакатимизда сайёҳлик ишларини жаҳон талаблари доирасига олиб чиқиш учун барча шарт-шароитлар етарли эканини таъкидлаб, фақат хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш зарурати ва бу борада қилинаётган ишлар ҳақида гапирди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бош котиби А. Савиньяк бу ишларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокига, унинг тутган мавқеи ва жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори тобора юксалиб бораётганига эътиборни қаратди.

ЮНЕСКОнинг халқаро маданий алоқалар лойиҳаларини тайёрлаш бошқармасининг директори Д. Дьен, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси Б. Ҳусанбоев ва бошқалар журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

(ЎзА).

ДОН МЎЛЛИГИ— ЮРТ БАДАВЛАТЛИГИ

1 октябрь куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясида бошоқли экинлар етиштиришни кўпайтириш ва республиканинг ғаллага бўлган эҳтиёжини қондириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда шу соҳа олимлари, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжтаъминотту з а т и ш» давлат кооператив қўмитаси, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, ғалла етиштирувчи туманларнинг ҳокимлари, дончиликка ихтисослашган хўжалик раҳбарлари ва фермерлар иштирок этди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

— Аҳолини дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир,— деди Бош вазир.— Шу мақсадда республикамизга хориждан ҳар йили 4 миллион тоннага яқин ғалла келтирилмоқда. Дон нархи, транспорт тарифларининг кўтарилиб бораётгани маълум қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ва республика ҳукумати яқин 2—3 йил мобайнида ғалла мустақиллигига эришишни бош масалалардан бири сифатида қўймоқда.

Хўш, бизда бу масъулиятли вазифани бажариш имконияти борми? Суғориладиган ерлардан шу йилнинг ўзида гектаридан 40—45 центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олган хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, республикамизда ҳозирдагига қараганда 1,5—2 баравар кўп ғалла етиштириш имконияти мавжуд. Бунинг учун биринчи навбатда бошоқли экинлар учун ажратилган суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш лозим.

Шу маънода вилоят раҳбарлари ва мутахассислар суғориладиган ерлардан камида 30—40 центнер дон олиш тадбирларини ишлаб чиқишлари зарур.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримовнинг республикамиз Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида ғаллачилик соҳасидаги камчиликларнинг танқид қилиниши, дон етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан қўйилган вазифалар ғаллакорларимиз ҳамда соҳа олимлари олдига масъулиятли вазифалар юклаётгани ҳақида гапирди. Кенгашда, айниқса, 1995 йилда суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари майдонини 1 миллион гектарга етказиш, ғалла харид нархининг оширилиши ҳақидаги қарорлар ғалла мустақиллигига эришишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Семинар-кенгашда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди.

Пўлат НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ КЕНГАШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XII пленуми Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича МК комиссияси таркибини тасдиқлади. Қуйида мазкур комиссия таркиби эълон қилинади.

А. М. Жалолов — Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби, раис

И. А. Кочмарик — Ўзбекистон ХДП МК котиби, раис ўринбосари

Аъзолари:

Ж. А. Абдуллаев — Ўзбекистон Республикаси ФА президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

М. Ғ. Алиева — Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши иккинчи котиби

А. Х. Асанов — Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби

И. Ҳ. Жўрабеков — Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

Ғ. Н. Машарипов — Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби

В. П. Медведев — Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби

А. А. Мирсалимов — Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби

Р. М. Мухторов — Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби

О. М. Мухаммаджонов — «Голос Узбекистана» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи

А. Н. Носиров — Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми аъзоси, Самарқанд шаҳари ҳокими

Ж. К. Нуруллаев — Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби

Ф. О. Омонов — Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби

А. Орипов — Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

С. Н. Расулова — Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти Балиқчи туман кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

Б. М. Рўзиев — Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби

Г. С. Субхонова — Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби

Азим Суюн — «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири

Й. С. Суюнов — Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби

Д. В. Тарасенко — Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши иккинчи котиби

Ш. Т. Темуров — Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

Ў. Т. Турғунов — Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби

Э. З. Ҳолиқов — Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилояти Қизириқ туман кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

И. Ш. Шоғуломов — «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

Ҳ. Э. Эрматов — Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби

А. Х. Юнусова — Тошкент вилояти Янгийўл тумани 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЕСИЙ ИЖРОҚЎМИ ҚАРОРИГА БИНОАН ТУЗИЛГАН ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ САЙЛОВОЛДИ СИЕСИЙ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

А. М. Жалолов — Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби, гуруҳ раҳбари

С. Ш. Қурбонов — Ўзбекистон ХДП МК Мафкуравий ишлар бўлими мудири, гуруҳ котиби

Аъзолари:

А. Х. Асанов — Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби

Е. Аҳмедов — Халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри директори

Б. Бойқобилов — «Мулоқот» журнали бош муҳаррири

Жамол Қамол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

К. А. Жуманиёзов — Ўзбекистон ХДП МК парламент иши ва партияларо алоқалар бўлими мудири.

Н. М. Маматов — Тошкент молия институти фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

В. П. Медведев — Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби

Ф. О. Омонов — Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби

А. Орипов — Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

Азим Суюн — «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири

Ш. Т. Темуров — Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси.

М. М. Хайруллаев — Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти директори, академик

А. Х. Юнусова — Тошкент вилояти Янгийўл тумани 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

А. П. Қаюмов — Ўзбекистон Республикаси ФА Қўлёзмалар институти директори, ФА мухбир аъзоси.

Д. М. Ғуломова — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси

О. Ҳ. Ҳикматов — Ўзбекистон Республикаси ФА иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлими раиси, ФА мухбир аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП НИЗОМИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА

И. А. Кочмарик — Ўзбекистон ХДП МК котиби, гуруҳ раҳбари

Х. Қ. Авезов — Ўзбекистон ХДП МК Ташкилий бўлим мудири, гуруҳ котиби

Аъзолари:

Ж. А. Абдуллаев — Ўзбекистон Республикаси ФА президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

М. Ғ. Алиева — Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши иккинчи котиби

М. Л. Ельшов — Ўзбекистон ХДП МК Таҳлил ва таҳмин гуруҳи раҳбари

О. М. Муҳаммаджонов — «Голос Узбекистана» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи

Р. М. Мухторов — Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби

Ў. Ҳ. Расулов — Ўзбекистон Республикаси ФА электроника институти директори, Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси аъзоси

Г. С. Субхонова — Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби

И. С. Суюнов — Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби

Ў. Т. Турғунов — Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОЛАРИ, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА

Ўзбекистон ХДП МК XII пленуми партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойини шу йил 1 ноябрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қурултой кун тартибида Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди Сиёсий дастурини қабул қилиш ва партия Низомига ўзгартиришлар киритиш масалалари бор.

Шу муносабат билан ушбу масалалар юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Уларни қуйидаги манзилларга юборишни сўраймиз:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши (700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5).

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти (700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК КОМИССИЯСИ.

• *Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига*

ҲАМКОР, ҲАМНАФАС

Ўзбекистон ХДП Хўжаобод туман кенгаши Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан аҳолини ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва маroқли ўтказиш, партия юқори ташкилотлари қарор ва кўрсатмаларини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳамкор, ҳамнафас бўлиб иш олиб бормоқда.

Ёшларни армия сафига тантанали кузатиш анъанага айланган. Жумладан, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида «Балли, йигитлар» беллашуви ўтказилди. Бунда хизмат ёшидаги йигитлар фаол қатнашиб, ўзларини ҳар соҳада синаб кўришди. Милтиқ отиш, бошқа ҳарбий соҳаларнинг қанчалик билимдони эканликларини ҳам кўрсатишди. Вилоят миқёсида ўтказилган «Гулла-яшна, жон Андижоним» шиори остидаги меҳнат ва санъат фестивалида миллий ҳунармандчилик, маҳаллий ёзувчи ва шоирлар, хонандалар ҳамда сўз усталарининг кўрик-беллашувлари бевосита Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Туманда спорт турларини ривожлантириш борасида ҳам Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Афғонистонда ҳалок бўлган олти нафар ҳамюртимизнинг хотирасига ва Бобур тавалludининг 510 йиллигига бағишлаб ўқувчи-ёшлар ўртасида югуриш мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳаёт ва фаолиятини тарғиб қилиш ҳамда руҳларини шод этиш мақсадида Абдулла Набиев номли жамоа хўжалигида Алибой ота Оқбўтаев ва Эргашали ота Қосимовларнинг хотирасига атаб югуриш, Ҳамза номли жамоа хўжалигида Ш. Бадалов, Т. Эшонхўжаев, М. Азимов, Р. Қобуловлар хотирасига бағишлаб эса кураш мусобақаси ўтказилди. Айниқса, туманимиз марказида кураш майдонининг барпо этилиши спортчиларимизни нихоятда қувонтирди. Бу ер тез-тез мусобақалар ўтказиш жойига айланди. Шунинг натижаси бўлса керак ўтган йили уч нафар туманимиз ёш курашчилари ўз вазнлари бўйича республика ғолиблари супасига кўтарилдилар.

Туманимизда «Оила йили» муносабати билан оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг оёққа туриши учун шарт-шароит яратиш, аёлларимизнинг уй-рўзғор ишларини юритишдаги тажрибаларини оммалаштиришга доир кечалар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу тадбирлар хотин-қизлар фаолиятига ижобий таъсир қилмоқда. Туманимизнинг равнақи йўлида узоқ йиллар меҳнат қилган фидойи аёлларимиздан бир нечтаси иштирокида авлодлар учрашуви ўтказилди. Мадиёров номли агрофирмада бўлиб ўтган «Мустаҳкам оила — менинг бахтим» мавзуидаги намунали оила уй бекаларининг беллашуви ҳам ёшларимизда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, «Доно бека», «Намунали оилалар» беллашувларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Юқоридаги тадбирларни ўтказишда Ёшлар Иттифоқи, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кенгаши, зиёлилар илмий-маърифий уюшмаларининг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Ёшлар ўртасида тартиббузарлик, безорилик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. 5-, 26-мактабларда, 28-билим юртида тиббиёт билим юртларида ўтказилган мулоқотларда ўқувчилар фаол иштирок этдилар. Бу учрашувга Ёшлар Иттифоқидан ташқари туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, фахрийлар кенгашлари вакиллари ҳам жалб қилиниди. «Бола одоби билан гўзал» мавзуида давра суҳбатлари доимо ўтказилиб турилмоқда. Натижаси эса ёмон бўлаётгани йўқ. Ёшлар ўртасида жиноятчилик кун сайин камаймоқда.

Ёшлар ҳисобига партия safини ўстиришга катта эътибор берилятпи. 348 нафар йигит-қиз бу йил ўз ҳаётини партия билан боғлади.

Туманимизда ёшларга ҳунар ўргатиш ва иш жойлари ташкил қилиш соҳасига ҳам жиддий эътибор берилятпи. Ҳозирги кунда 45 та кичик корхона ишлаб турибди. Ушбу корхоналарга икки минг нафар ёш жойлаштирилди. Обиджон Орипов бошлиқ «Обод», Латифжон Сатимов бошлиқ «Ҳавас» корхоналари меъморчилик, кулолчилик, қурилиш, чорвачилик, маиший хизмат соҳасида аҳолига намунали хизмат кўрсатятпи. Туманда ташкил қилинган фермер хўжаликларидан Муҳаммаджон Эгамов бошлиқ фермер хўжалигининг фаолияти диққатга сазовор.

Ҳозирги кунда туманимизда ҳамшира, тарбиячи, тўқувчи, тикувчи, механик, трактorчи, слесарь, боғбон, радио, телевизор тузатиш устаси каби касбларга ёшларни ўргатувчи курслар ташкил қилинган.

Умуман, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб ишлаяпмиз. Ҳозирги кундаги асосий вазифаларимиздан бири ёшлар ташкилотининг обрў-эътиборини янада оширишдир.

Ойтожи ҲОЖИМУРОДОВА,
Хўжаобод тумани партия кенгаши биринчи котиби.

• *25 декабрь—Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар куни*

ЭНГ МУНОСИБЛАРИНИ ТАНЛАЙМИЗ

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Олий Кенгашнинг XVI сессиясида сўзлаган тарихий нутқини тинглаб, кейинги уч йил ичида Ўзбекистон истиқлол туфайли эришган ютуқлар, бу йўлда қилинган меҳнатлар бир-бир хаёлимдан ўтди. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки пайтлари ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла-тўкис уддалади, десак хато бўлмасди. Бу ютуқларга эришишда мен мансуб бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам катта хизматлари борлиги қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига лиммо-лим қилди. Республика Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловлар давлатимиз тарихида янги кўтарилиш поғонаси — ҳуқуқий давлат сари ташланган катта қадам бўлади.

Кўппартиялилик асосида ўтадиган сайловлар ХДП аъзолари зиммасига ҳам катта ва масъулиятли вазифалар юклайди. Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгаши, унинг бошланғич ташкилотлари сайловларни юксак савияда пухта ўтказиш учун қатор тадбирлар ишлаб чиққан.

Шуни айтиш керакки, биз сайловлар тўғрисида қонун қабул қилингандан сўнг омма орасида янги қонунни шарҳлаш, тушунтириш ишларини бошлаб юборгандик. Чунончи, раҳбар кадрлар ўқув машғулотларининг бир қисми шу муҳим масалани тушунтиришга бағишланди. Қ. Каримов номли жамоа хўжалиги ва Олтиариқ пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотлари тажрибалари асосида сайловларни ўтказиш бўйича кўргазмали семинарлар ташкил қилинди. Туман партия кенгашининг ижроия бюроси «Қизилтепа» жамоа хўжалиги, бўрдоқичилик корхонаси бошланғич партия ташкилотларининг сайловга тайёргарлигини кўриб чиқиб, муҳокама қилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Айни пайтда туман кенгашида 260 нафар зиёли, партия ходими, раҳбарлардан иборат тарғиботчилар гуруҳлари иш олиб бормоқда. Бундай гуруҳлар, шунингдек «Нуробод», «Ўзбекистон», Навоий номли, «Жўрак» жамоа хўжаликлари, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, Қапчиғай темир-бетон буюмлари заводи, Файзиобод қишлоқ қурилиши комбинати каби корхоналарда ҳам ишлаб турибди. Ҳозирги пайтда биз сайлов мавзелари ва участкаларида ХДП бошланғич ташкилотларини тузяпмиз. Оқбўйра, Янгиараб, Навоий сайлов мавзеларида тузилган бошланғич партия ташкилотлари фаоллари номзодлар танлаш, сайловчилар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини уюштириш вазифаларини бажаришга киришганлар. Ҳозиргача тузилган 18 та ана шундай бошланғич ташкилотлар атрофига 417 нафар ХДП аъзоси жамланган. Улар маҳаллалар ва хонадонларда мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш ва бошлаб юборилган сайлов тизими, ислоҳотларга нисбатан онгли, амалий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича фаолиятни кучайтирганлар.

Биз партия ходимлари сайловолди масъулиятини чуқур ҳис этиб турибмиз. Депутатликка номзодлар халқимиз орасидаги энг сара, ҳалол, холис, юртбошимиз айтганларидек, фақат элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган кишилар тоифасидан бўлади. Бундайлар партиямиз safининг ўзагини ташкил этади. Ўйлаймизки, халқимиз биз таклиф этган муносиб номзодларни қўллаб-қувватлайди.

Т. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгашининг биринчи котиби.

БЮРОДА ОБУНА МАСАЛАСИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти кенгашининг ижроия бюросида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига 1995 йил учун обунани ташкил этиш соҳасидаги вазифалар тўғрисида масалалар кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашлари ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар ва ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларига ХДП аъзоларини, ишчиларни, деҳқонларни ва талабаларни «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига обуна қилишни уюштириш топширилди.

Шунингдек, кам даромадли оилаларни, уруш ва меҳнат фахрийларини муассасалар, ташкилотлар ҳисобидан обуна қилиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ХДП: бошланғич ташкилотларда*

ХАЙРИХОҲЛАР СОНИ ОРТЯПТИ

«Чияли» жамоа ширкат хўжалиги Чироқчи туманидаги йирик хўжаликлардан бири. Хўжалик бошланғич партия ташкилотида 164 нафар ХДП аъзоси бор. Улар 9 та цех бошланғич партия ташкилотига бирлашган.

Шу йил ғалла мавсуми бошида Ўзбекистон ХДП фаоллари туманимизда бўлишганди. Улар хўжалигимиз ғаллакорлари билан учрашдилар. Бу чўлқуварларга далда бўлиб, ғайратимизга ғайрат қўшиб юборганди. Унинг самараси ўлароқ партия аъзолари фаоллари етакчилигида беш гуруҳга бўлиниб ишлаган комбайнчилар ўрим-йиғимни тез тугаллаб, келгуси йил ҳосили учун экишга тайёргарлик кўряптилар.

Шу ўринда шуни айтиш керакки, 20 минг гектар ердаги ғаллани ўришда кўпгина партия фаолларининг ўрим-йиғим даврида фидокорлик кўрсатгани қўл келди. Уларга кундалик матбуот хабарлари ўз вақтида таништириб борилди.

Айни пайтда хўжалигимизда пахта йиғим-теримига ҳам уюшқоқлик билан киришилди. Биз терим суръатини сира пасайтирмаслик билан бирга пахтакор ва ҳашарчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирларини ҳам кўряпмиз. Санъаткорларнинг дала шийпонларида концертларини уюштириб ҳамда бошланғич партия ташкилоти қошида тузилган ташвиқот гуруҳининг чиқишларини ташкил қиляпмиз. Улар Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг уч йиллиги олдидан босиб ўтилган қисқа вақтдаги сиёсий, ижтимоий ва маърифий жабҳалардаги ютуқлар, Олий Мажлисга сайловларга тайёргарликни қизитиш тўғрисидаги маърузалари билан қатнашмоқда.

Хўжалик бошланғич партия ташкилоти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳам бош вазифа, деб билади. Ночор оилаларга ҳар йили дон, қўй ёки соғин сигир бериш, уй-жойини таъмирлашда ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси safига муносиб, Ватан учун фидойи, юрт учун курашадиган кишиларни қабул қилишга ҳаракат қиляпмиз. Йигит-қизларимиз ўртасида партияга хайрихоҳлар сони кўпайяпти. Бу эса бизни руҳлантирибгина қолмай, балки ишга янгича ёндашишда катта масъулият ҳам талаб этади.

Эгамберди МИРЗАЕВ,
«Чияли» жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

Шу кунниг нафаси

● Қулайлик

«ЎЗБЕКИСТОН»ГА ГАЗ КЕЛДИ

● БУХОРО. (мухбиримиздан). Шофиркон туманида хонадонларни газлаштириш жадал олиб борилмоқда. Ҳозир газ қувурлари 70 километрга етган.

Тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида газлаштириш якунланай деб қолди. Хўжаликнинг Читкарон, Мавра, Араблар қишлоқларидаги барча хонадонларда «зангори олов» ёна бошлади. Шунингдек, Бобур номли, Самад Шарипов номли жамоа хўжаликларида ҳам бу тадбир уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

● Қадрият

НИШОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). 53 йил муқаддам Термиз шаҳридан урушга жўнаб кетган собиқ жангчилардан бир гуруҳи шаҳар ҳокимлиги биносига йиғилишди.

Бу ерда собиқ жангчиларга нишонлар топшириш маросими ўтказилди. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини Нормели Норпўлатов уруш фахрийларига «Жасорат» ва «Шуҳрат» нишонларини тантанали суратда топширди. Уруш кўрганлар ўз хотиралари ҳақида сўзладилар. Ёшларни бугунги куннинг, хусусан, тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етишга даъват этдилар.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

● Ободончилик

ДЕҲҚОН БОЗОРИ ҚИЁФАСИ

● ГУЛИСТОН (мухбиримиздан). Шаҳар марказий деҳқон бозори мажмуда 50 ўринли меҳмонхона бўлиб, шунча кишилик ўрандага мўлжалланган ошхона ҳам бор.

Кейинги бир-бир ярим йил ичида деҳқон бозорининг қиёфаси ўзгариб, ободончилик ишларига аҳамият берила бошланди. Сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар яратилган. «Сирдарётайёрловсавдо» раиси Ғ. Ҳалимовнинг таъкидлашича, шаҳар марказий бозори яқин вақт ичида республикадаги замонавий ва кўркам савдо масканларидан бирига айланади.

Абдужалил УМАРОВ.

ПАХТАМИЗ 2 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ!

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 3 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	1.81	76.32	0.07	3.35
Хоразм	2.35	66.62	0.34	3.41
Навоий	2.23	65.90	0.99	14.88
Қашқадарё	3.35	62.27	2.86	39.92
Самарқанд	2.25	60.62	0.82	18.88
Андижон	2.83	59.16	1.16	10.70
Сурхондарё	1.96	58.99	1.08	22.66
Фарғона	2.34	58.76	0.86	9.08
Наманган	3.15	46.39	1.97	15.55
Тошкент	3.44	36.89	3.11	22.38
Қорақалпоғистон Республикаси	2.29	34.55	1.09	6.95
Жиззах	2.90	34.48	2.69	23.32
Сирдарё	2.76	23.57	2.66	13.66
Республика бўйича	2.59	52.54	1.72	17.28

БЕШ КУНЛИКДА—500 СЎМДАН

Олтинсой туманида пахта йиғим-терими авжида. Туман деҳқонлари бу йил 12,5 минг тонна «оқ олтин» етиштириши керак.

— Қаторда норинг бўлса, қийинчиликлар писанд эмас экан, — дейди «Пахтакор» жамоа хўжалиги раиси Ҳайдар Эшимов.

Ҳақиқатан ҳам бугун Олтинсой хирмонининг тенг ярмини бунёд этишга азму қарор қилган хўжалик меҳнаткашлари йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Хўжаликда кунига йиллик режанинг 3,5-4 фоизига етказиб «оқ олтин» тайёрланаётир.

Зулфия Абдуллаева, Муқаддас Мўминова, Одил Бобомуродов сингари теримчилар кунига 150-200 килограммдан ошириб пахта териб барчага ўрнак бўлишмоқда.

Йиғим-теримда иштирок этаётганларга етарли шароит яратилган. Ҳар куни иссиқ овқат ташкил қилинган. Қолаверса, меҳнат ҳақи ҳам вақтида тўланяпти. Илғор теримчилар беш кунда терган пахталарига 500 сўм атрофида пул олишяпти.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун Зарафшон воҳаси пахтазорларининг кўрку тароватига ҳавасингиз келади. Оппоқ далаларда юксак сафарбарлик ҳукмрон. Самарқандликман деган ҳар бир киши, белида қуввати, билагида кўчи бўлса этак боғлаб далага чиққан. Вилоятда кунига 2—3 фоизга яқин ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

Нарпайдаги «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмаси вилоятда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чеккан эди. Бу ерда ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этди. Шуниси муҳимки, хўжалик биргина пахтанинг ўзидан 3 миллион сўмдан ортиқ даромад оладиган бўлди. Ана шунинг 700 минг сўми соф фойда!

— Моддий манфаатни ҳис этган деҳқонлар енг шимариб фидокорона меҳнат қилмоқдалар,— дейди хўжалик раҳбари Д. Дониёров.—Бир қатор бригадаларда ҳосилдорлик 35 центнердан ҳам ошиб кетди.

Пастдарғом тумани йиғим-теримда намуна бўлаётир. Туман ҳокими Нарзиқул Эшонқулов билан суҳбатимизда шу нарса равшан бўлдики, қишлоқда яшовчи ҳар бир киши ўзини мавсумга сафарбар этган. Ҳар беш кунда меҳнат ҳақи бериб турилибди. Натижада кунига 3 фоиздан ошириб ҳосил топширилмоқда.

Бу ерда биз вилоят партия кенгашининг биринчи котиби И. Суюновни учратдик.

— Пастдарғомда мусобақа яхши йўлга қўйилган, — деди у. — Хўжаликлар ва бригадалар ўртасидаги мусобақа ҳар ўн кунда якунланади. Ғолибларга қўчқор, қимматбаҳо совғалар, пул бериляпти. Бундан ташқари ҳашарга чиққан мактаб ўқувчиларига, керакли бўлган китоб-дафтарлар, ёзув қуроллари улашилмоқда. Биз тарғибот гуруҳи билан туманнинг «Найманобод» жамоа хўжалигида бўлдик. Дарвоқе, туманда тўртта ана шундай гуруҳ ишлаб турибди. Ўша куни хўжаликда ҳар бир теримчи 70 килограммдан пахта терган экан.

Бу ерда ҳашарчилар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Талабалар арзон гўшт билан таъминланмоқда. Беруний номли мактабгача тарбия билим юрти талабалари ҳар куни ўртача 90-100 килограммдан пахта термоқдалар.

Ҳашарчилар ҳақида гап кетар экан. Қаттақўрғон туманида меҳнат қилаётган Самарқанд дорилфунуни талабалари ҳиммати ҳақида гапириш жоиз. Улар деҳқонларнинг оғирини енгил қилишаётир. Ҳар ҳафта якунига кўра хўжаликлар талабаларга алоҳида мукофотлар беряпти. Туман партия кенгаши эса қўй ажратяпти. Бундан ташқари ҳашарчиларнинг ўзлари деҳқонлар учун қизиқарли кечалар, концертлар уюштиришяпти.

Умуман, Самарқанд вилоятида дала меҳнаткашларига шароит яратиш асосий вазифага айланган. Иштихон, Каттақўрғон туманларида бунинг учун махсус тарғиботчилар гуруҳлари тузилган. Айниқса, Челак туманида бу иш яхши йўлга қўйилган. Шу боис ЎзХДП аъзоси А. Бобобеков раҳбарлик қилаётган Навоий номли ширкатлар уюшмаси биринчиларидан бўлиб маррага етиб келди. Дастлабки довондан ошилди. Ҳосилдорлик 32 центнерни ташкил этди. М. Салоҳиддинов, З. Бердиқулова, Ҳ. Эгамоваларнинг ҳар бири 4 тоннадан пахта теришди. Бу ерда механизаторлар учун бепул иссиқ овқат уюштирилган. Ҳар бир хонадонга мавсум олдидан 70-80 килограммдан ғалла улашилди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САФАРБАРЛИК

САМАРҚАНДЛИКЛАР ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗМОҚДАЛАР

Уйчи туманидаги «Навоий» номидаги жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил «Фарғона-3» навли чигит қадашган эди. Айни вақтда мўл ҳосил тўпланди. Теримчи ва механизаторлар жадал суръатларда ҳосилни йиғиштириб олишга киришишган. Ҳар куни йиллик режанинг 3-3,5 фоизи миқдорида «оқ олтин» териб олинаётгани бунга далилдир. Бу йил хўжалик мирзакорлари 924 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлашган.

Суратларда: 1. Илғор теримчи Саломат Бобожонова. У ҳар куни 100-120 килограммдан пахта термоқда. 2. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Давронбой Қодиров, тажрибали пахтакор Абдували Отазалиев ва ишарачи Абдураҳим Қаюмов. 3. Хирмонда.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЗАФАР МУБОРАК!

● ЖИЗЗАХ

— Арнасой туманидаги «Туркистон» ширкат бирлашмаси вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди, — деб хабар қилади мухбиримиз Пардабой Тожибоев.

230 тонналик чўл дурдонаси тайёрлов идорасига топширилди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терилди. Сотимхон Жавхонов, Бозорбой Жовдиқов, Ҳаким Зокиров каби механик ҳайдовчилар хирмонга барака киритишяпти. Ширкатчилар ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишмоқчи.

● БУХОРО

— Вобкент тумани ғаллакорлари жорий йилда 5460 тонна дон етиштирган, шундан 4251 тоннасини давлатга сотиб, йиллик режани бажарган бўлсалар-да ҳосилдорликдан кўнгиллари тўлмаяпти,— деб ёзади мухбиримиз Даврон Баҳронов.

— Пахтазор ўрнида ғаллазор барпо этишга киришганмиз,— дейди туман деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Б. Ғаффоров.— Бу йил 2200—2300 гектар ерга дон экиш мумкин. Зеро, бу майдонларнинг 1117 гектарини пахтазор ташкил этади. Бундан ташқари чўл ҳудудида 1223 гектар ерга кузги дон экмоқчимиз. Тумандаги «Зарафшон», И. Наимов номли жамоа хўжаликларида ғўза қатор ораларига дон экиб, 40—42 центнергача ҳосил кўтариляпти.

● ҚАШҚАДАРЁ

— Қамашилик пахтакорлар республика туманлари орасида карвонбошиликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилмоқдалар,— деб ёзади мухбиримиз Ғози Раҳмон.

Қамашиликлар 30 минг тонналик оқ олтин хирмони бунёд этиб, пахта топшириш режасини бажардилар. Улар жами 11,5 минг гектар майдонга барака уруғи қадаган эдилар. «Бухоро—6», «Юлдуз» каби навлардан юқори навли пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик 26 центнерни ташкил этди. Далаларда 107 та терим машинаси жавлон уриб кунига 66 тоннадан пахта тўниб берди. Теримда 17 мингдан зиёд ҳашарчи иштирок этди.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Куни кеча Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида Халқаро қариялар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда жамиятимиз кўрки, ақл-идроки бўлмиш қариялар меҳнати, мустақил юртимизни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшаётган катта ҳиссалари эътироф этилиб, эъзозланди. Байрам муносабати билан йиғилган минг нафардан зиёд меҳмон ва меҳмонлар Нуриддин Муҳитдинов, Маҳкам Камолов, Мирзамаҳмуд Мусахонов, Миразиз Рўзматов, Сиддиқжон Муҳаммаджонов сингари республикамизга таниқли кишиларни самимий табрикладилар. Тантанада сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими Мирзамурод Икромов, туман ҳокими Рустам Акбаров ва бошқалар уруш ва меҳнат фахрийлари фаолиятларига юқори баҳо бердилар.

Шундан кейин мазкур хўжалик (аввалги «Ленин йўли») ка узоқ йил раҳбарлик қилган, айни пайтда унинг номи билан юритилувчи жамоа хўжалиги марказида Муҳаммаджон Фозилов бюсти очилди. Ушбу колхоз асосчиларидан бири, хўжаликни иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, камтарин ва ҳалол инсон ҳақидаги таассуротлар ўзаро баҳам кўрилгач, йиғилганларга ош тортилди.

Йиғилиш сўнггида вилоят ҳокимлиги қарияларга байрам совғаларини тақдим этди.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

- АЛДАНМАГАН АДИБ
- «МАНИМ ВИЖДОНИМ МЕЗОНИМ?»
- ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛО...
- «ЎТГАН КУНЛАР» ҚАЧОН ЁЗИЛГАН?
- 15 ДАҚИҚАЛИК ҚИСМАТ

Абдулла Қодирий ўқувчилари даврасида. Мусаввир Маҳмуд ЖЎРАЕВ.

ҚИСМАТ ВА ЖАСОРАТ

Бутун биз бу беназир сиймога кўпинча «Қодирий бобо» деб мурожаат этамиз; «Қодирий бобом» дея қўшиқларда тилга оламиз, уни нуроний отахон қиёфасида тасаввур қиламиз. Аслида бу табаррук зот ўз умрининг ҳали «бобо» фаслига етмай, айни қирчиллама йигитлик палласида фоний дунёни тарк этган эди. Абдулла Қодирий бор-йўғи қирқ тўрт йил умр кўрди. Шундан атиги йигирма йили қизғин ижтимоий фаолият, бадиий ижодга бахшида этилди. Шу йигирма йил машаққатлар, кескин курашлар, алғов-далғовлар, таъқибу таҳдидлар ичида кечди. Тақдир уни асло аямади.

Болалигиданоқ ҳаёт шафқатсизликларини татиди, бировларнинг эшигида ишлади. Қўл кучи, пешона тери билан кун кўришга ўрганди; илмга чанқоқ, ўткир зеҳнли, тиришқоқ Абдулла, гарчи ўз сўзи билан айтганда, «тартибли мактаб кўрмаган» бўлса-да, ўз тиришуви орқасида замонасининг энг пешқадам зиёлилари, адиблари сафидан жой олди.

Адиб «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан ўзбек романчилигига асос солди. Унинг ижодий мероси, машаққатли қисмати, шонли ва фожиали умр йўли, мислсиз жасорати авлодлар учун ҳам ибрат, ҳам аччиқ сабоқдир.

Халқимиз Қодирий шахсига, меросига ҳамиша катта эҳтиром, зўр қизиқиш билан қараган. Афсуски мустабид тузум, жоҳил адабий сиёсат узоқ йиллар халқнинг ана шу қизиқиш ва эҳтироми йўлига ғов солиб келди. 20-йиллари инсонлик шаънини топтаб уни ҳибсга олдилар. Бир неча ой қамоқда тутдилар. Сўнг ўн йил давомида унинг шахси, асарлари теварагида «ҳақсиз ҳужумлар», «англашилмовчиликлар», «бемаза иснодлар», «жимжималик замзамалар» давом этди. Ниҳоят, 30-йилларнинг мудҳиш довули Қодирийни халқ орасидан юлиб олиб кетди. Унинг бебаҳо асарлари қатағон этилди. 50-йилларнинг охирларига келиб адибнинг қутлуғ номи, шаъни тикланди. Бебаҳо мероси халққа қайтарила бошланди. У ҳақда қатор яхши тадқиқотлар пайдо бўлди. Бироқ мустабид тузум шароитида адиб ҳақидаги бор ҳақиқат тўла юзага чиқмай келди. 80-йилларнинг ўрталаригa келиб, ниҳоят, истиқлол даврида ҳақиқат йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Адибнинг авваллари бирмунча шубҳали, қалтис туюлган қатор публицистик асарлари эълон этилди. «Ўтган кунлар» матнида аввал тушириб қолдирилган ўринлар жойига қўйилди. Қодирий ҳаёти ва қисматининг энг кескин, фожеий паллалари — 1926 йили Қодирий устидан бўлган суд жараёни материаллари, 1938 йилги тергов ва ўқум тафсилотлари эълон этилди. Ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг шафқатсиз ҳақиқат руҳида битилган «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира-қиссаси майдонга келди. Шунингдек, Қодирий ҳаётининг драматик лавҳаларини гавдалантирувчи И. Султон, Ҳ. Султонов ва Н. Боқий каби ёзувчиларнинг асарлари жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Адиб асарларини янгича нигоҳ билан таҳлил ва талқин этишга уринишлар бўлди.

Шуларга қарамай ҳануз улуғ адибнинг ҳаёти ва ижод йўлининг бутун қирралари — улуғворлиги, мураккаблиги, драмалари, фожиалари билан мукаммал тарзда ёритадиган яхлит асарга эга эмасмиз. Айниқса, Қодирий шахсияти, сиймоси бор бўйича гавдалантирилган, аччиқ қисмати фожиасининг туб сабаблари, илдизлари етарли идрок ва таҳлил этилган эмас.

Қодирий ижтимоий фаолият доирасига, бадиий ижод оламига аср бошида ўлкада етакчи ижтимоий-мафкуравий куч саналмиш жадидчилик ҳаракати таъсирида кириб келди. Кўпчилик илғор, маърифатпарвар, эркпарвар зиёлилар қатори у ҳам инқилобий ўзгаришларга зўр хайрихоҳлик билдирди. «Октябрдан биз бошлиқ, ҳасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик», инқилоб «онг берди, ҳақ берди» дея қувонди. Катта ишонч, ғайрат-шижоат билан «озодлик йўлида ҳар қандай оғирликка ҳам чидаб» турли вазифаларда ишлади, Кўпроқ матбуотда — «Озиқ ишлари», «Рўста», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Коммунист йўлдоши» газета ва журналларида фаолият кўрсатди. «Муштум» журнали унинг иштирокида ташкил топди. Ҳ. Қодирий берган маълумотга кўра, адибнинг 1919—1925 йиллар оралиғида ёзган мақолалари 300 атрофида.

Қодирий катта қалб, зўр ақл-заковат, юксак истеъдод эгаси бўлса ҳам барибир ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг, шўро матбуотининг эҳтиросли қаламкашига хос муайян «қизиллашиш», инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари мамлакатда авж олдирилган «синфий кураш», «динга қарши» жазавали кампания таъсирида адибнинг бойлар, эшонлар, уламолар фақат бой, эшон, уламо бўлганликлари учунгина уларни синфий душман санаб, уларга қарши матбуотда жиҳоди акбар эълон этиб аёвсиз кураш олиб бориш, синфий-мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда ҳийла жангарилик, қизиққонлик кўрсатиш, баҳслар пайтида гоҳо одоб доирасидан чиқиб ҳамкасабаларини ҳақоратлаш томон ўтиб кетиш ҳолларига ҳам йўл қўяди. Адибнинг ўзи ана шу хилдаги «синфий рақобатчилик»нинг жабрини кўрди — шу хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли ёзувчининг ўзи иқрор бўлганидай, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлаштирди. 1926 йили Қодирий бошига тушган мусибатда ана шу рақибларнинг қўли, иштироки борлиги аниқ.

1926 йилги «Абдулла Қодиров иши» юзасидан тергов ҳужжатларини варақлаганда бир нарса аён бўлади: ҳуқуқ, адлия ходимлари Қодирийни ҳибсга олган дақиқалардан бошлаб то суд ҳукми чиқарилгунга қадар адолат йўлидан бориб ҳақиқатни аниқлаш эмас, ҳар боб билан адибга қўйилган «айб»ларни тасдиқлашга, ҳатто жиноий ишни чуқурлаштиришга ҳаракат қилганлар, Қамоқда, тергов пайтида устига бўҳтондан иборат асоссиз айблар қўйилганда, айниқса, ҳамкасабаларининг юзсизларча мунофиқлик қилаётганлигини, ошкора хиёнат кўчасига кирганини кўрганида адиб қандай аҳволга тушгани, бу имони бутун, виждони пок, ҳалол, ростгўй, мард инсон қалбида қандай тўғёнлар кечганини хаёлан тасаввур қилиш мумкин.

«Абдулла Қодиров иши»га оид ҳужжатлар орасида «Сўроқ мажлиси протоколи» нисбатан батафсил, ўзбек тилида саводли тузилган. Афтидан Қодирийнинг сўзлари адиб томонидан ўз қўли билан ёзиб берилгану котиб уни оққа кўчирган. Протоколда Қодирий ўзига қўйилган айбларнинг бошдан оёқ нотўғри, мантиқсиз ва ғаразгўйликдан иборат экани, ўзининг кимлигини — ўтмиши ва ҳозирги кунини, эътиқод ҳамда маслагини баён этиб беради. Суддаги «Айбдор Абдулла Қодирийнинг охирги сўзи» деб аталган бу тарихий ҳужжатда Қодирий табиатига хос кўп жиҳатлар — мустаҳкам имон-эътиқод — катта ақл-заковат, зўр мантиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ҳақгўйлик, мардона бир шижоат — барчаси ёркин намоён бўлган. Хийла босиқлик, мулоҳазакорлик билан ирод этилган охирги сўзда, барибир, Қодирийнинг бадиий ижод, ҳиссиёт кишиси экани, унинг ёниқ қалби, юрак туғёни, ғазаби, нафрати, алам-изтироблари, фиғони — барча-барчаси баралла сезилиб, эшитилиб туради. Ёзувчи айбдор сифатида ҳибсга олинишига баҳона бўлган «Ингинди гаплар» мақоласининг ёзилиши, «Муштум»да чиқиш жараёни тўғрисида гапириб, бу ҳодисанинг жонли шоҳидларини келтириб, у аввало масъул муҳаррирнинг розилиги, маъқуллаши, хайрихоҳлиги билан чиққанлигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар билан исботлайди.

Қодирийга, айниқса, бирга ишлаган, кечагина бир дастурхон атрофида ўтирган ҳамкасбларининг сўроқ пайти «шахсий адоват» орқасида ёлғон гувоҳлик беришлари алам қилади. Ёзувчи уларнинг номларини бирма-бир тилга олиб ўтади. Адиб бундай мунофиқ, тубан шахслар олдида ўзини мардона тутади. Бирон ўринда бўлсин паст кетмайди, туҳмату бўҳтонлардан, сиёсий айблар ва дағдағалардан чўчимайди. Таҳликага тушмайди. Ҳеч кимдан мадад, ҳимоя сўраб ялинмайди. Ҳақиқатга тик қарайди.

Қодирийнинг суддаги кўп сўзларини унинг ўзига хос эътиқодномаси дейиш мумкин. Аслида бундай эътиқод суддан анча олдин шаклланган. Унингча: «Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, ўзини билмаган ўзгани билмас», сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир». У ғурур билан «...шу кунгача маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида», — дейди. Виждонсиз, эътиқодсиз одамлардан ҳеч қачон яхшилик кутиб бўлмайди. «...бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидир. Қуллик бунёд қилган расво расволарнинг яна ашаддий расвосидир, — дея баҳсни давом эттиради у, — ...шахсий бутунлик, мустақил шахсият қуллиқ билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин аъзо бўлолмаслар. Чунки аксар мунофиқлик ва майдалик ихтиёрсиз ҳам ўзига ишончсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот қилинғондир.».

Ҳа, Қодирий ўз қадрини биладиган, виждонли, «шахсий бутун», «мустақил шахсият» соҳиби. Мардона, қаҳрамонона, беназир сиймо эди. У фақат суддаги охирги сўзида эмас, қамоқда ётган кезлари, терговлар, ҳар хил тазйиқлар пайтида ҳам сира иккиланмай, қатъий туриб ўз шаънини ҳимоя қилади.

Бироқ, шуларга қарамай, Қодирий, барибир тирик инсон. У ҳар қанча мардона шахс, «мустақил шахсият» соҳиби бўлмасин ўзининг ҳақлигига ишонмасин, ўзи атрофидаги машмашалар туфайли «майда кишилар» қутқуси билан айбсиз айбдор бўлиб қолиши; инқилоб, озодлик ишига жонини тиккан чин ватан фуқаросининг тескаричи сифатида совет ҳокимияти қамоқхонасига тушиши — шоир айтмоқчи, чархи кажрафторининг бу ғаройиб шеваси, бундай мислсиз хўрлик адиб қалбини пора-пора қилади. «Кўнглида шамси ғуборо ти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахснинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир». Адибнинг алам-ўкинчларга тўла бу қалб фиғони уни шу куйларга солган. Шундай қарорга келишга мажбур этган тубан кимсалар, ўша муҳит — вазият устидан чиқарилган зўр айбнома каби янграйди.

Маълумки, Октябрь тўнтариши мамлакат, кўҳна Туркистон тақдирида чуқур из қолдирди. Айрим бунёдкорлик ишлари билан баробар инқилобнинг емирувчилик томонлари кенг намоён бўла борди; большевиклар мафкураси ва сиёсати кўпгина софдил зиёлиларни чалғитди; кўҳна ўтмишни, ўтмишдан қолган жамики қадриятларни, дин, ахлоқ, фалсафа, адабиёт ва санъат, кўҳна маданиятнинг кўпдан-кўп нодир намуналарини инкор қилиш, мавҳ этишга уриниш кенг ёйилди. Бундай кайфият қисман Қодирийда, унинг публицистик чиқишларида ҳам кўринди... Энг ачинарлиси, инқилобий жангарилик, бетоқатлик туфайли одамлар орасидаги оддий инсоний муносабатлар, Шарқ халқларига, айниқса зиёлиларига хос юксак ахлоқ, одоб-андиша дарз кета бошлади. Кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ғоявий-синфий мезонлар билан ўлчаш, бирбиридан айб, ғоявий хато қидириш, бир-бирларининг устидан тегишли идораларга донос-гап етказиш одат тусини олди. Ҳатто бу ҳол 20-йилларнинг ўрталарига келиб даврнинг ахлоқ нормаси, давлат, партия сиёсати даражасига кўтарилди. Шу тариқа одамлар орасида бир-бирига ишончсизлик, юзсизлик, мунофиқлик кенг ёйила бошлади. Боя кўриб ўтганимиздек Қодирий билан унинг энг яқин кишилари — Назир Тўрақул, Комил Алимов, Ғози Юнус, Зиё Саид каби ҳамкасблари орасидаги кўнгилсиз можаролар шу ғайриинсоний вазият, носоғлом сиёсатнинг оқибатидир. Қарангки, шу ғайриинсоний, ғайриахлоқий вазият, сиёсатнинг ўзбек зиёлилари ичидаги илк қурбонларидан бири — энг ҳалол, юксак эътиқод, мислсиз истеъдод соҳиби, ҳақгўй адиб Қодирий бўлди.

Қодирий октябрь инқилоби туфайли сўз эркинлиги олдик деб қувонган, энди бор овоз билан ҳақиқатни айтиш, ёзишга чоғланган эди. У инқилобни, янги ҳаётни олқишлаш, ҳимоя қилиш билан баробар янги ҳаёт йўлидаги хилма-хил тўсиқларни фош этишга, совет воқелиги ривожи зиддиятларини холис туриб кўрсатишга жазм этди. У биландирки, янги ҳаёт йўлидаги тўсиқлар фақат синфий душманлар — бой, мутаассиб домла-имом, руҳонийлар қаршилигидан иборат эмас, янги дунё қурувчилари ҳаракати, интилишининг ўзи ички зиддиятларга, қарама-қаршиликларга эга. Қатор чиқишларида, хусусан, ҳажвий асарларида адиб ана шу зиддиятлар моҳиятини очишга, бадиий таҳлил этишга интилди. Аммо унинг бу интилишлари бирин-кетин зарбага учрай бошлади. «Ингинди гаплар»даги айрим ҳаёт зиддиятларига юмористик муносабат, турли кишилар ҳақидаги беозоргина кулги бу қадар шов-шувларга, оғир кўргуликларга олиб келишини у бошда хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Демак, бу даврга келиб совет воқелиги зиддиятларини кўрсатиш, салгина бўлсин жамият, унинг раҳбарияти ҳақида танқидий гап айтиш имкони битди. Хуллас, 1926 йилги Қодирий фожиасининг асл илдизи ўша кезлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, мамлакатда бошланган социализм идеалларидан, большевиклар ваъдаларидан чекиниш ҳодисасига бориб тақалади.

Ёзувчи «Ўтган кунлар»да холис-объектив туриб ўтган XIX аср ўрталаридаги Туркистон тарихининг, ўзбек халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини беради, Муҳим тарихий жараёнларни чуқур бадиий таҳлил этади. Даврнинг етакчи ижтимоий кучлари моҳиятини очади. Ўша замон кишиларининг аҳвол руҳияти, орзу интилишлари, қувонч ва ташвишларини фавқулодда бир маҳорат билан ёрқин, образлар орқали кўрсатади. Адиб асар ёзилган давр ҳукмрон мафкураси таъсирига, ўзининг ўша кезлардаги синфий майлларига берилмай реализмнинг бош принциплари асосида реал ҳаёт қандай бўлса ўшандайича кўрсатади. Назаримда илк бор худди шу роман орқали ўзбек халқи ўзининг бўй-бастини, асл қиёфасини, ички дунёсини, кучли ва ожиз томонларини бор бўйича худди тиниқ ойнадагидек аниқ кўрди.

Адиб ўтмишдан олиб ёзган бу асарида ўтмиш ҳақиқатини асло бузмаган, замонавийлаштирмаган ҳолда замонавий мавзудаги асарларида замонаси ҳақидаги айтолмаган кўп гапларини айтишга, ўзини тўлқинлантирган талай муаммоларга қарашини изҳор этишга эришди.

Романни ўзбек ўқувчиси, бутун туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг зукко кишилари катта байрамдек кутиб олдилар. Роман тилларда достонга айланди. У қисқа фурсатда қайта-қайта чоп этилди. Бир неча тилларга таржима қилинди.

Ҳақли равишда савол туғилади. Ёзувчи 20-йилларнинг бошларида қандай қилиб «Ўтган кунлар»дек, А. Қаҳҳор ибораси билан айтганда, янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли роман яратишга эришди, реализмнинг юксак чўққисига кўтарила олди? Аввало, Қодирий ноёб истеъдод эгаси. Ойбек айтганидай, у ижодда, «турмушни бадиий кўрсатиш» бобида ғоят тез ўсди. Унинг насрдаги усталиги тез мукаммаллашди. «Жувонбоз» билан «Улоқда» ҳикоясини қиёслаб кўринг. Орадан бир йил ўтар-ўтмас реализм томон шу қадар олға кетиш ҳайратомуз ҳодиса. Гоҳо бутун бошли адабиёт ва улкан истеъдодлар бунақа тадрижий йўлни босиб ўтиши учун бир неча ўн йиллар керак бўлади... Бу орада Қодирий юрти катта ижтимоий силсилалар палласига — миллий уйғониш, озодлик, инқилобий воқеалар даврига кирди. Адиб бундай ҳаракатларда фаол иштирок этди. Жўшқин ижтимоий фаолият ёзувчи ижодий имкониятларининг тўлароқ юзага чиқишига йўл очди.

«Ўтган кунлар»дек романни яратиш учун ёзувчида муайян тайёргарлик, катта адабий билим, эстетик бисот бўлиши лозим. Ёзувчи ёшлигиданоқ Шарқ ва Ғарб маданияти, адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига муяссар бўлди. Рус-тузем мактабида рус тилини эгаллади. Мадрасада таълим олиб араб, форс тилларини, адабиётларини чуқур ўзлаштирди. Татарларда ва қардош туркий тилларда чиқиб турган театр ва янги типдаги проза намуналари билан танишди. Ўзи ёзганидек, турк миллий адабиётининг ўша даврдаги машҳур насрчилари Ёқуб Қодирий, Фолиқ Рафиқий, Равшан Ашраф, Яҳё Қамоллар унинг севимли ёзувчилари эди.

20-йиллар ўрталарига келиб ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда таркиб топа бошлаган носоғлом муҳит — вазият унинг кўп эзгу ниятлари йўлига ғов солди. Ёзувчининг номи эл орасида достон бўлган, «Ўтган кунлар» романи босилиб қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, адиб ҳаёли янги ижодий режалар билан банд бўлиб юрган бир пайтда у, кўриб ўтганимиздек, мудҳиш муҳитнинг, нобоп сиёсатнинг қурбонига айланди. Адибнинг ҳаётдан, ижоддан, ҳамкасб дўстларидан ихлоси қайтди, ҳафсаласи пир бўлди. Энди у жисмоний ўлимга ҳам рози эди.

Қамоқда инсонлик шаъни, номуси топталиб, ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адиб ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққач, кўп ўтмай яна ўзига кела бошлайди. Аммо бўлиб ўтган даҳшатли қуюн асорати бир умрга кўнглида, тақдирида, фаолиятида ўз таъсирини, қора кўланкасини қолдирди. Аввало, 1926 йил можаросидан сўнг у матбуотдан, ижтимоий ишлардан кетади. Етти-саккиз йил давом этган жўшқин журналистик-публицистик фаолият энг авжида бирдан узилиб қолади. Шундан сўнг ҳам Қодирий гоҳо-гоҳо матбуотда адабий-танқидий, публицистик мақолалар билан кўринади. Аммо ғаламислар қилмиши, нобоп муҳит тазйиқи туфайли ўзбек миллий матбуоти, публицистикаси, бинобарин кенг журналхонлар, газетхонлар оммаси ўзининг тенгсиз соҳиби қаламидан, жонкуяр, фаол матбаа ташкилотчисидан тириклайин айрилди. Бунинг учун тарих ўша қаллоб кимсаларни, ўша мудҳиш муҳитни ҳеч қачон кечирмайди.

Қодирий озодликка чиқиб, маълум муддат нафасини ростлаб олгач, 1926 йил кузида «Ўтган кунлар» устидаги иш пайтидаёқ ўйлаб қўйган режасини рўёбга чиқариш — «Меҳробдан чаён» романини ёзишга киришди. Роман нисбатан тез ёзилди. 1928 йилнинг февраль ойида асар устидаги иш интиҳосига етди ва у 1929 йил мартида Самарқандда босилиб чиқди. Гарчи бу асар мавзуи ҳам ўтган асрдан, кейинги хонлик замонидан олинган бўлса-да, давр воқеаларини, ижтимоий жараёнларни, зиддиятларини, давр одамлари руҳияти, орзу интилишлари, кечмишларини ҳаққоний, бетакрор тарзда эўр реалистик куч билан ифода этган бўлса ҳам ундаги замонавий руҳ жуда кучли.

Юқорида айтилганидек, 1926 йили Қодирий бошига тушган савдолар қоғозга туширилса зўр фожеий асар пайдо бўлиши мумкин эди. Аммо бунинг иложи йўқ эканлигини Қодирий яхши биларди. «Меҳробдан чаён» романини ҳар гал қайта ўқиганда шахсан менга унда ёзувчи гўё 1926 йил фожиалари ҳақида ҳикоя қилаётгандай, ўша мудҳиш машмашаларни ўтган асрга кўчириб хонлик саройи, саройдаги муншийлар орасидаги можароларга ўраб, ўзгача кўринишда гавдалантираётгандай бўлиб туюлаверади. Кўпинча «Ўтган кунлар»даги Отабекни Қодирийнинг ўзига қиёс қиладилар. Отабекда ҳам, қолаверса, адибнинг бошқа йирик асарлари бош қаҳрамонлари образи — сиймосида ҳам ёзувчининг ўзидан кўчиб ўтган анчагина жиҳатлар, хислат-хусусиятлар бор. Аммо «Меҳробдан чаён»даги Анвар қисматида, унинг теварагидаги фисқу фасодлар, қаллоблар қутқуси билан Анвар бошига тушган кулфат-кўргиликлар, унинг қалб изтироблари, қаллобларга чексиз нафрати ифодасида Қодирийнинг ўз бошидан ўтган, қалбидан кечган изтироблари шундоққина билиниб, кўриниб турибди. Зотан, «Меҳробдан чаён» устида иш олиб бораётганида «маънавий ўлим билан ўлдирилган» Қодирийнинг қалб яраси ҳали битиб улгирмаган эди... Эҳтимол, роман услубидаги муайян шиддат, ошкора публицистик талқинлар ёзувчининг ўша кезлардаги руҳий ҳолати билан ҳам изоҳланар. Албатта, «Меҳробдан чаён»дек етук романнинг асосий пафоси, маъно кўламини фақат ёзувчи таржима холидаги драмалар билангина чеклаб қўйиш ҳам тўғри эмас.

Қодирийнинг машъум 1926 йилдан кейинги ҳаёти, ижодий қисмати ғалати жумбоқ. Бир қарасангиз, Қодирий ижтимоий фаолият, идора ишлари, ташвишларидан озод, эркин ижод кишиси. У Тошкентнинг Самарқанд дарвоза даҳасидаги боғида тинчгина ижод, мароқли жисмоний меҳнат билан банд. Ўз режаси асосида қурдирган шийпонида меҳмонларни кутиш, атоқли ёзувчи, рассом, бастакор, хонандалар билан суҳбат, базм қуриш билан банд. Унинг ҳузурида А. Толстой, С. Айний, Суфизода каби таниқли адиблар меҳмон бўлади. Кўплаб ёш истеъдодлар уни зиёрат қилиш, суҳбатини олиш учун келишади... Баъзи замондошларининг хотира мақолаларида талқин этилишича, Қодирий ўша кезларда гўё Лев Толстой ўзининг Ясная Полянадаги боғ-мулкидаги каби фароғатда яшаб ижод этгандай... Л. Толстой катта граф эди. Унинг мол-мулки ҳадсиз-ҳисобсиз эди. У ҳам ўзига хос ташвишлар билан яшаса-да, унинг учун ижодий режаларни рўёбга чиқаришда Қодирий олдидаги каби тўсиқлар йўқ эди. Қодирийнинг туриш-турмуши, тирикчилиги ҳам бир нави, қўл учида кун кўрарди. Уч танобдан ошиқроқ боғдан келадиган даромад билан катта рўзғорни тебратиш мумкин эмасди. Ҳ. Қодирийнинг эслашича, Қодирий «Ўтган кунлар» учун олинган қалам ҳақини танишлардан бирига қарзга бериб доғда қолади. У одам қарзини бермай кетади. «Меҳробдан чаён» учун олинган қалам ҳақи ҳам арзимас пул бўлган. Адиб аввалгидек бирор идорада ишламайди. Даромади йўқ. Ҳ. Қодирий отаси ҳақидаги хотираларида адибнинг ўша кезлардаги тириклигича оид йўл-йўлакай айтган гапларини, келтирган фактларини ўқиб кишининг юрак бағри эзилади. Қарангки, буюк сиймо, тенгсиз санъаткор Қодирий рўзғор тебратиш ниятида бировларга ариза ёзиб беради. Кўнгил майлларидан йироқ нарсаларни таржима қилади.

Бироқ Қодирий бошқалар каби ҳайбаракаллачилик йўлига ўтмайди. Унинг қишлоқ ҳаётидан олиб ёзган «Обид кетмон» романи ҳам раҳбарият кутган сталинча коллективлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватловчи, улуғловчи асар бўлаб чиқмади...

Бунинг устига мамлакат осмонида Сталин қонли сиёсати туфайли қўзғалган тўзоннинг қора булутлари тобора қуюқлашди. Социализм олға борган сари синфий кураш, душман синфи қаршилиги кучая боради, деган концепция илгари сурилиб «душман» қидириш, «ёт унсур»ларни фош этиш жазаваси авжига чиқди. Шу тўзон, жазаванинг ўзбек адабиётидаги илк қурбонларидан бири яна ўша ҳақиқатгўй, имони бутун мард шахс, буюк сиймо Қодирий бўлди. Матбуотда Қодирийга яна ҳужум бошланди. Айниқса, машъум 1937 йилга келиб бу иш авжига чиқди. Ўша йили матбуотда адибни «ер билан яксон этиш»га қаратилган элликдан ортиқ мақола босилди.

Москванинг топшириғи билан 1937 йил августида Ёзувчилар союзида ўтказилган тозалаш кампанияси, муҳокама мажлиси, сўнгра сентябрь ойида бўлиб ўтган пленумда, жумладан Қодирий теварагидаги беҳаёларча машмаша, яқинликда Қодирийга ҳавас ва эҳтиром билан қараган кишиларнинг Қодирийдек адибга юзсизларча ҳамлалар қилиши, унга ғоявий айблар, машъум ёрлиқлар қадаши, ниҳоят Қодирийнинг Ёзувчилар союзидан чиқарилиши — ана шундай шармандали воқеалар юз берган онлар тарихимизнинг, маданиятимизнинг энг кир, қора кунлари бўлиб қолажак.

Қодирий бошида қора булутлар қуюқлашган ўша кезлари адибнинг яқинлари, меҳрибон таниш-билишлари уни бало-офатлардан сақлаб қолиш ҳақида қайғурганлар. Унга ҳар хил маслаҳатлар берганлар. Ҳ. Қодирийнинг ёзишича, Тошкентнинг машҳур кишиларидан Манноп табиб унга «дадангга бориб секин айт, у албатта ўзини Тошкентдан четроққа олсин» дейди. Ҳ. Қодирий бўлган гапни дадасига етказганида, у чуқур ўйга толиб сўнг: «Менинг ҳеч гуноҳим йўқ! Гуноҳсизни қамамасалар керак... Йўқ гуноҳни бўйнинга олиб ватанни тарк этиш, халқ кўнглига шубҳа солиш... аллақайси жойларда бўйин эгиб, сарғайиб юриш... Йўқ бўлмайди!..» дея қатъий жавоб қилади.

Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган ўша шармандали муҳокамадан, пленумдан сўнг орадан тўрт ой ўтар-ўтмас 1937 йилнинг 31 декабрь куни кечқурун Қодирий ҳибсга олинади. Ўша кезларда адиб қаттиқ хаста эди. Руҳий замзама — қийноқлар оқибатида адиб баданига эгзема тошиб, дард азобидан ўзини қўярга жой тополмас эди. Бунинг устига катта ўғил Ҳабибулла хасталикка йўлиқиб, гипсда ётарди. Қодирий ўз дарди қолиб, ўғли ҳаётини, соғлиғини ўйларди. Ана шундай ғамли кунларда у қамоққа тушади. Шу кетганича ундан узоқ йиллар дом-дарак бўлмади. Оила аъзолари, яқинлари, соғайиб оёққа турган Ҳабибулланинг сўраб-сўроқлашлари ҳам ҳеч қандай наф бермади. Қодирийнинг кейинги қисмати ҳақида сўнгги йилларга қадар ҳар хил гаплар, тахминлар юрарди. Ҳибсдаги қисмати, унга қандай айб қўйилгани, қачон ва қаерда вафот этгани ҳам маълум эмас эди. Ниҳоят, ошкоралик, демократия кунларига келиб, тарихчи олим Р. Сафаровнинг «Хўрликдан ўлим тансиқроқдир — Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодий аҳволига доир янги маълумотлар» сарлавҳали мақоласи («Тошкент ҳақиқати», 1989 йил 21 ва 23 ноябрь) орқали илк бор жамоатчиликка маълум этилди.

Қодирийнинг «жиноий иши»даги ҳужжатлар, аминимизки, ҳали атрофлича ўрганилади. Чуқур таҳлил этилади. Улар ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилади. Бу ҳужжатларга ёндошганда ҳаммадан бурун бир ҳолатни ҳисобга олиш, «жиноий иш»даги жамики далил-ашёлар 1937—38-йилларнинг маҳсули эканлигини, улар ўша даврнинг шароити қонуниятлари асосида уюштирилганлигини ва тартибга солинганлигини асло унутмаслик даркор. Тергов ходимлари «айбдор» ҳақидаги ҳақиқатни очиш-аниқлашга эмас, ҳар боб билан уни қоралашга, фош этишга, айбини бўйнига қўйиб жавобгарликка тортишга ҳаракат қилганлар. Шу ниятда асл ҳақиқат сохталаштирилган. Мавжуд фактларга ўзгача маъно берилган. Жиноий ҳолатни кучайтириш учун кўп нарсалар тўқиб бичилган; Эмишки, Қодирий аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси бўлган ва кўп йиллар давомида Совет ҳокимияти ва партияга қарши кураш олиб борган...

1926 йилги тергов чоғида ҳам Қодирийга шу хил айбларнинг баъзилари тақалган эди. Аммо терговда, сўнгра суддаги охирги сўзида адиб бундай даъволарнинг барчасини мардона туриб инкор этади. Ўзига қўйилган айбларнинг сохта ва мантиқсиз эканлигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар орқали исботлайди. Бу ерда эса қўйилган айбларнинг кўпчилигини ҳеч қандай қаршиликсиз бўйнига олаверади. Масалан, 1926 йилги фожеий воқеа устида сўз борганда, ўшанда судда айтган гапларига зид ўлароқ «матбуотда советларга қарши чиқишларим учун ҳибсга олиниб, жавобгарликка тортилган эдим» дейди. Бир вақтлар матбуот, жумладан, «Муштум» орқали Октябрь инқилоби, советлар, меҳнаткаш ишчи-деҳқонлар манфаатига сидқидилдан хизмат қилганлигини фахр билан такрор-такрор таъкидлаган адиб бу ерда эса «Муштум» журналида фаол иштирок этиш билан «советларга қарши курашганлиги»ни эътироф этади. Бир вақтлар ўзини «ғоя ва иш эътибори билан чин коммунист» санаган одам, бу ерда бирдан бошқа шахсга айланади. «Ўзимнинг буржуа миллатчиси эканлигимни тасдиқлайман ва матбуот ҳамда адабиёт соҳасида олиб борган советларга қарши ва миллатчилик фаолиятим учун тўла жавобгарман», — дейди. Асарларининг, ижодининг ғоявий йўналиши ҳақидаги тутуруқсиз даъволарнинг айтарли барчасини тан олади...

1926 йили судда «Мен тўғрилик орқасида бош кетса «их» дейдиган йигит эмасман», «маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир» деб ҳайқирган довюрак сиймо 1938 йилга келиб нега бунақа итоаткор, муте одамга айланди, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, 1938 йилги сўроқ 1926 йилги тергов эмас. Замон бутунлай ўзгарган. Оддий инсоний ҳуқуқлар, демократия унсурлари тугаб битган, Ҳақиқат, ижтимоий адолат тушунчалари топталиб, яксон бўлган. Суд, тергов органлари қутирган авторитар қўмондонлик тизимининг емирувчи-мавҳ этувчи машинасига айлантирилган эди.

Мен аминманки, Қодирий 1938 йилги терговда ҳам ўша биз билган Қодирийлигича қолган. Аслида у ўзини айбдор деб саналган эмас. Ўша ясама ҳужжатларда ҳам гоҳо асл ҳақиқатдан далолат берувчи — Қодирий ўзига қўйилган асоссиз айбларни қатъий туриб рад этганлигини тасдиқловчи айрим тафсилотлар сақланиб қолган. Чунончи, у «аксилинқилобий ташкилотга аъзо экани» ҳақидаги кўрсатмани бир неча бор инкор этади. Айрим асарларини, жумладан, «Обид кетмон» аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги асар деб ҳисобламайман», дейди.... Қодирий охирги сўзида Ватан манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш учун имконият яратиб берилишини сўрайди. Аммо суд уни олий жазо — отувга ҳукм қилади. Қандай даҳшат! Қодирийдек буюк сиймо қисмати ҳал этилади.

Шу тариқа Абдулла Қодирий 1938 йилнинг 4 октябрида машъум сталинизм жаллодлари томонидан Тошкентда қатл этилди. Аммо унинг табаррук жисми қаерда дафн этилгани, хоки қаерда экани ҳозирча аниқ маълум эмас.

Қодирий ҳибсга олингач, кўп ўтмай оиласини таъқиб этиш бошланади. Ҳовли-жойини тортиб олишга чоғланадилар. Бунга эришадилар ҳам. Машҳур шийпони жойлашган боғни, ўз қўли билан ўстирган мевазорларни пайхон қиладилар. Асарлари зарарли саналиб, мавҳ этилади. Уларни ўқиш тақиқланади. Яшириб ўқиган ёки адиб ҳақида бирор калима илиқ гап айтган неча ўнлаб одамларнинг

THE 12th ASIAN GAMES
HIROSHIMA 1994

• Спорт

МУСОБАҚА БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАМОҚДА

● Минглаб спортчилар орзиқиб кутган кунлар бошланди. Япониянинг Хиросима шаҳрида XII Осиё ўйинлари байроғи тантанали суръатда кўтарилди. Осиё мамлакатларидан ташриф буюрган давлатларнинг байроқлари қаторида истиқлол юртимизнинг мовий-яшил байроғи ҳам ҳилпираб турибди.

Ўтган якшанба куни Осиё ўйинларини тантанали очилиш маросими ажиб спорт байрамига айланди. Маълумки, бундай спорт анжуманлари ёшлик, дўстлик, тинчлик ва ҳамкорлик тимсоли сифатида ўзига хос айём тусини олади. Мусобақа ташкилотчилари кичик олимпиада деб юритиладиган Осиё ўйинларини бетакрор воқеаларга бой ва ранг-баранг бўлишига алоҳида эътибор қилишди. Мусобақанинг очилиш маросимида ҳам япон халқига мансуб анъанавий миллийлик кўзга ташланиб турди.

Олқишлар янграб турган, томошабинлар билан лиқ тўла ўйингоҳда мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг вакиллари саф тортиб ўтдилар. Ўзбекистон республикаси спортчилари ҳам ой-юлдузли байроғимизни баланд кўтариб шаҳдам қадамлар билан яшил майдонга кириб келдилар. Юртимизнинг йигит-қизлари спортнинг 23 тури бўйича муросасиз баҳсларда муваффақиятли иштирок этиш, совринли ўринларга кўтарилиш ва ғолиблар шарафига республикамиз мадҳиясини таратишни кўнгилларига тугиб қўйишган.

Маълумки, Осиё ўйинларининг асосий мусобақалари кечадан бошланди. Хусусан, спортчиларимиз сузиш, чавандозлик, қиличбозлик, гимнастика, чим хоккей, теннис, оғир атлетика ва футбол бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Сузувчиларимиз Александр Агафонов, Альберт Галяутдинов, Вячеслав Кабанов, Олег Пухнатий, Олег Цветковскийлар мовий йўлкаларда марра сари сузишни ўрнига қўйиб, ишончимизни оқлашга астойдил интиладилар. Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич совринли ўринларга даъвогарлардан саналади. Мухлислар бу теннисчиларни Тошкентда Президент кубоги учун ўтказилган мусобақаларда кўрсатган маҳоратларидан кўнгиллари таскин топган эди. Чим хоккейчиларимиз ҳам бўш келишмайди. Чунки чавгон ўйнатувчи қизларимиз халқаро мусобақаларда ўзларини кўрсатиб қўйишган.

Осиё ўйинларининг очилиши олдидан бир кун аввал футболчиларнинг майдонга тушиши мухлисларни ҳаяжонга солди. Футбол мусобақалари эса 19 жамоани тўрт гуруҳга бўлингани ҳолда уюштирилмоқда.

Япония сафари олдидан республика миллий терма жамоаси устози Рустам Акрамов: Ўзбекистон вакилларининг ноқулай гуруҳга тушиб қолгани, саралаш баҳслари осон кечмаслиги ҳақида гапирган эди. Лекин ҳамма нарса яшил майдонда ойдинлашади, деганларидек футболчиларимизнинг Саудия Арабистони жамоаси билан дастлабки учрашувида йигитларимизга омад кулиб боқди. Мухлислар ҳам жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлган Саудия Арабистони футболчилари билан тўп суриш қийин эканлигини билишарди. Зеро, Тошкент «ойнаи жаҳони» орқали мазкур учрашувни томоша қилган минглаб ишқибозлар футболчиларимиз ўйинидан мамнуният ҳосил қилдилар.

Майдонга футболчиларимизни андак менсимай тушган Саудия Арабистони ўйинчилари учрашув бошидаёқ имкониятни бой бердилар. Сергей Лебедев жарима тўпини ўринлатиб дарвоза тўрига урди. Кейин Миржалол Қосимов ҳисобни 2:0 га етказди. Танаффусдан сўнг моҳир ҳужумчи Игорь Шквирин ўзини кўрсатди. У киритган икки тўпдан кейин жавоб тўпи қўйиб юборилди, холос. Шундай қилиб, футболчиларимиз 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Олдинда эса қизғин ва муросасиз баҳслар турибди.

Ҳайдар НОСИРОВ.



Зомин қўриқхонасида.
Б. ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** газетасининг йиллик обуна баҳоси

307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Қенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** ГАЗЕТАСИнинг

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

• *Китоб жавонингизга*

Умар Ҳайёмда шундай ажиб сатрлар бор:

Дунёнинг тилаги,
самаридирмиз,
Аҳл кўзин кораси —
жавҳаридирмиз.
Тўгарак жаҳонни узук деб
билсак,
Шаксиз, унинг кўзи —
гавҳаридирмиз...

Унга таъриф йўқ. Тавсифга ҳам не ҳожат? Одамзот ҳақида бу дунёга келиб-кетган ҳар бир инсон ўз таърифини айтган. Лекин ана шу қиёсларнинг ҳеч бири бир-бирига ўхшамайди. Чунки биз дунёни ақл кўзи билан кўрамиз ва

БУ ДУНЁНИНГ ГАВҲАРЛАРИ

уни ана шу ақл тарозуси билан ўлчаймиз. Ана энди у ёғини ўлчаб олаверинг. Ҳеч қачон ҳеч биримиз яқин-узоқда юрган жондошларимизни бир хил кўз билан кўрмаймиз.

Шу маънода инсон ва маънавий қадриятлар ўртасидаги узвий муносабатлар янада мустаҳкамланаётган ва ўз баҳосини топаётган бугунги кунда бу масала янада муҳимроқ. Асли бизнинг бугун ва эртамизни ана шу муборак қадриятлар белгилайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда олис ўтмишимизда қадр топмаган халқимизнинг асл расм-русумлари ва миллий анъаналарига бўлган эътибор янада кучайди. Биз доим одамнинг қўли гул деймиз. Бу гапда кўп маъно яширин. Қадим-қадимдан бошлаб одамлар ўз ҳаётларини белгилаб олишда биринчи навбатда меҳнатга мурожаат қилган. Шу ўринда инсон меҳнатининг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаш шарт эмас. Барибир гап айланиб-айланиб яна маънавий қадриятларга келади. У азал-азалдан инсоннинг маънавий дунёсини бойитишгина қолмай, балки ҳаёт ва яшашнинг ҳақиқий мезонларини ҳам белгилаб берувчи маёқдир. Маънавият одамга унинг чақалоқлик палласидаёқ синга боради. Халқни, қолаверса, ҳар бир миллатни дунёга олиб чиқадиган ва таниталиган жиҳатлардан энг асосийси ҳам маънавиятдир.

Яқинда «Инсон ва унинг маънавий дунёси» (муаллифи — Х. Шайхова) ва «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот» (муаллифлари — Х. Шайхова ва К. Назаров) деб номланган тўпламларни ўқиб юқоридаги мулоҳазалар кўнглимиздан ўтди. Ҳар икки рисолада ҳам муаллифлар яқиналанаётган жамият шароитида инсон ва унинг маънавий дунёси, умуминсоний қадриятларнинг мустаҳкамланиши, уларнинг тарихий илдизлари ва асосий шакллари, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни, шунингдек, бугунги шароитда уларнинг мезонлари қай даражада ўлчанаётганини ёритиб беришган. Бу китобларнинг сизу бизда катта қизиқиш уйғотмоғига ишончимиз комиллигини бир неча мисоллар исботлайди. Келтирилган жонли ҳаётий лавҳалар, олиб борилган социологик тадқиқот материаллари ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Биз ҳар икки тўплам ҳақида батафсил сўз юритмоққа жазм қилмадик. Боиси, мингмминг йиллар қатида ётган халқимизнинг бой тарихини ва шу халқнинг азалий қадриятларини бизга озгина бўлсада, тушунтириб бермоққа уринган муаллифлар меҳнатини ўқувчиларнинг ўзи баҳоламоғи жоиздир. Яна бир муҳим томони, етук файласуф олима, фалсафа фанлари доктори, профессор Х. Шайхованинг кўп йиллардан бери инсон ва унинг маънавиятини ўрганиш борасида олиб бораётган хайрли тадқиқотлари натижасини бу тўпламлар яна бир карра кўрсатиб берган.

Айтаверсак, гап кўп. Яхшиси, мазкур тўпламларни бир бора кўздан кечирган маъқул. Яна бир қувончли томони, тўпламлар ҳаммабоп. Каттаю кичик ўқийверса, бемалол тушунади ва мулоҳаза юритади.

Мираҳмад АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори,

Дўстмурод НОРҚУЛОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Ю З М А - Ю З

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, МИЛИЦИЯ ПОЛКОВНИГИ БОТИР ПАРПИЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Ботир Раҳматович, маълумки, жиноятчиликка қарши кураш анча кескинлашди. Бу курашда айниқса, вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга.

— Фарзандларимиз тарбиясига алоҳида эътибор беришни кучайтириш учун ходимларимиз мактаб, маҳалла, ота-она, жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришаётир.

Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларни таҳлил қилдик. Уларнинг бош сабабларини, ўсмирларни жиноятга ундовчи омилларни ўргандик. Бу эса ўсмирлар ўртасида жиноят содир бўлишининг олдини олишдаги ишимизнинг самарали бўлишига ёрдам бермоқда. Натижада вояга етмаганлар орасида жиноятчилик камайди. Республика бўйича милиция идораларига 14 мингга яқин қонунбузарликка қўл урган вояга етмаганлар олиб келиниб, уларнинг икки мингдан ортиғи ҳисобга олинди.

— Вояга етмаганлар орасида жиноятнинг қайси турлари билан кураш қийин кечмоқда?

— Бугунги ҳуқуқбузар ўсмирнинг эртага ашаддий жиноятчи бўлмаслигига кафолат бериш қийин. Шуни назарда тутиб, биз асосий диққат-эътиборимизни тарбияси оғир болаларга жалб этяпмиз. Ушбу йўналишда муттасил иш олиб бормоқдамиз. Самараси ёмон бўлмаяпти. Ўсмирлар томонидан содир этилаётган босқинчилик, талончилик, ўғрилик каби жиноятлар сезиларли даражада камайяпти. Жиноятларда иштирок этган вояга етмаганларнинг сони эса 13,7 фоизга қисқаришига эришилди.

Назаримда ёшлар содир этаётган ҳуқуқбузарлик ўсмирларга нисбатан лоқайдлигимиз оқибатида юз бераётгандек туюлади. Негаки жамоат жойларида, айниқса, транспорт воситаларида, бозорларда атрофдагиларни менсимасдан, оғзидан боди кириб,шоди чиқаётган ҳатто безорилик қилаётган ёки бировнинг сумкасига, чўнтагига тушаётган ўсмирни кўпчилик кўриб, кўрмасликка олади. Агар биронта киши унга панд-насиҳат қиладиган бўлса, қолганлар уни қўллаб-қувватлаш ўрнига ҳуқуқбузарнинг ёнини олиб, танбеҳ берувчи кишига «қўйсангизчи, ахир у бола-ку» дейишади. Бундай муносабат кишиларни нафақат лоқайдликка, балки ёшларимизнинг талтайиб кетишига ҳам олиб келмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозир бозорларда, шаҳарнинг энг гавжум жойларида хорижий сақич, сигарет ва яна бир қанча майда-чуйда нарсаларни сотиб ўтирган, чорраҳаларда машина ойнасини артаётган ўсмирларни учратиш мумкин. Тўғри, бу бозор иқтисодиётидан келиб чиқаётган кўриниш. Лекин улар ўқияптими, бирор ҳунар ўрганяптими? Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ахир, бу болаларнинг эртанги тақдири қандай бўлади, улар ким бўлиб етишадилар? Шундайлар таъсирида мактабларданги бошқа ўқувчи ёшлар ҳам ўқишга эътибор бермай қўяётгани сир эмас. Ачинарлиси шундаки, айрим ота-оналар боласининг пул топиб келаётганидан хурсанд бўлиб, уни ўқишдан кўра ишга жалб этмоқда.

Тўғри, давлат ривожини бугунги кунда савдосиз, тижоратсиз тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, бизга савдогарлар ҳам керак. Аммо илмли, ақл-заковатли бўлмаган ишчининг ҳамда қонунларни мукаммал билмайдиган, уни ҳурмат қилмайдиган тадбиркорнинг иши бугун юришгани билан эртага оқсаб қолиши ҳеч гап эмас. Бизни айниқса ташвишга солаётган муаммолардан бири ишламай, ўқимай юрган ёшларнинг келгуси тақдири қандай кечиши бўлмоқда.

— Ўсмирларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг асосий сабаблари нималарда деб биласиз?

— Назаримда, ёшларнинг бу йўлга киришига уларнинг назоратсиз қолаётганлиги сабаб бўлмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда 9-синфдан кейин болаларнинг кўпчилиги армия ёшига етгунча ўзини нима билан банд қилишни билмайдилар. Зотан, уларни ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларига жалб этиш ҳам талаб даражасида эмас.

Бекор қолган, ўзини нима билан овутишини билмаган баъзи ёшлар ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан ҳам машғул бўлишаётир. Бу эса уларни жиноят йўлига киришига сабаб бўлмоқда. Далилларга мурожаат қилсак, жами аниқланган жиноятларнинг салкам уч фоизга яқини маст ҳолатда содир этилган. Бир неча юз ўспирин жамоат жойларида маст ҳолатда юрганликлари учун маъмурий жазога тортилган.

Ачинарли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда ички ишлар идораларида ва соғлиқни сақлаш муассасаларида вояга етмаган айрим гиёҳвандлар ҳисобда турибди. Мазкур салбий иллат билан курашда биз маҳалла қўмитаси, мактаб, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари маъмурияти, тиббиёт ходимлари, қолаверса, Ёшлар Иттифоқи аъзолари мададини етарли даражада ҳис этмаяпмиз.

Яна бир муаммо — кўпчилик ёшларнинг, уларнинг ота-оналарининг ҳуқуқий билим савиялари пастлигидир. Уларнинг аксарияти жорий этилаётган қонунларни яхши билишмайди. Ҳатто тушунишга ҳам уринишмайди. Ўз бурчи билан бирга ўз ҳуқуқларининг ҳам фарқига бормайдилар. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ўсишига яна бир сабаб — айрим оиладаги ўзаро нотинчликдир. Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Шундай экан, жанжалкаш оиладан маънавий ва руҳан тетик фарзандлар чиқиши қийин. Жумладан, фарзанд тарбиясига салбий таъсир қилувчи кўпгина нотинч оилалар ҳисобга олиниб, улар билан амалий ишлар олиб бориляпти. Улардан 72 таси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, кўпчилиги эса ичкиликбозлиги туфайли мажбурий даволанишга юборилди.

Фарзанднинг маънавий ва руҳан шаклланишида ота-онасининг дунёқараши, жамиятда тутган ўрни катта таъсир этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фақат вояга етмаганлар билан ишлаш назоратида рўйхатга турган оилаларнинг ўттиз фоизида ота ҳам, она ҳам ҳеч ерда ишламайди. Турмуш эса попок йўллар билан топилган маблағлар ҳисобига кечирилади.

— Ботир Раҳматович, фарзандларимиз тарбиясини келажагимизнинг пойдеворига ўхшатиш мумкин. Ушбу пойдеворнинг мустаҳкам бўлиши учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг келажаги ёшлар қўлида. Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ислоҳотлар бирмунча қийин кечишига қарамай, уларнинг тарбиясига жиддий эътибор бериш зарур. Ҳукуматимизнинг 2,5 йил мобайнида ёшлар сиёсати бўйича йигирмадан ортиқ фармон ва қарорлар ишлаб чиққани ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар томонлама ривожланган давлатга қонунларни сидқидилдан ҳурмат қилувчи, уларнинг туб маъносини чуқур англайдиган ёшлар керак. Бунинг учун олий ўқув юртларида, мактаб, ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ёшларни ҳар томонлама мукаммал қилиб тайёрлаш масаласини ҳал қилиш керак. Чунки ҳуқуқий давлатга ҳуқуқни мукаммал биладиган ёшлар ҳаводек зарур. Ёшларни шундай тарбиялаш лозимки, жиноятга қўл уришдан, бировнинг нарсасига кўз олайтиришдан ҳазар қиладиган, ота-онаси ва ўзидан катталарга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдиган даражага етсин.

Ботир ЗИЁЕВ суҳбатлашди.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА

«ЭЛ» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИНИНГ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Илига 80-150 тонна карбид-кальций ишлаб чиқарувчи электротермик ихчам ускуналарни

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ихчам ускуна буюртмачининг номинал қуввати 1000 ампердан кам бўлмаган ВДУ, ТДФ ВА ТДФЖ маркали трансформаторлар асосида тайёрланади.

1 кг карбид кальций ишлаб чиқариш учун оҳак — 1,2 кг, кокс — 0,55 кг, электр қуввати — 4,5 квт сарфланади.

Шартнома тузиш учун буюртмачи томонидан 5 кг миқдорида оҳак топширилиши керак.

МАНЗИЛИМИЗ:703004, Самарқанд шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 2-уй (9-автобуснинг «Озиқ-овқат техникум» бекати), телефон: код (366-2) 37-23-77, 31-03-74.



SONY ДИЛЕРИ

Талаб катталиги сабабли КЎРГАЗМА-СОТУВ муддати узайтирилди:

НАҚД СЎМСИЗ Ўзбекистондаги энг АРЗОН НАРХЛАР-(ишлаб чиқарувчи нархлари)
(Кўргазмага фақат ташкилотдан хатни кўрсатиш орқали кирилади)

ЯПОНИЯНИНГ ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОЗА ТЕХНИКА

1994 ЙИЛНИНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАРИ: "Супертринитрон" телевизорлари,"Триллоджик" видеомагнитафонлари,мусиқа марказлари лазерли дисклари билан, моноблоклар,видеокамералар, магнитафонлар,автомагнитафонлар лазер билан ва кўплаб бошқа моллар!!!

СОВҒАЛАР ВА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАР

Мол харид этган ҳар бир киши оиласи учун қуйидаги совғалардан бирини бепул олади:
ФИЛИПС магнитоласи, француз *АТИРЛАРИ, МИКСЕР, ТОСТЕР, КОФЕ МАЙДАЛАГИЧ,ДАЗМОЛ*,болалар*КОМПЬЮТЕРИ* ва*ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИ* (валюта мукофотлари ўйналади).

Вилоятдан келган харидорларга ва ҳар куни биринчи харидорга арзонлаштирилган нархларда сотилади, *"PART BACK"* -тизими бўйича харид этиш мумкин-Қиймат-ининг 50 фоизи уч ойдан сўнг қайтарилади. Сотиб олинган техникага кафолат муддати 1 йил!

Сўмга улгуржи етказиб бериш ҳам мумкин.

КЎРГАЗМА - САВДО МАНЗИЛГОҲИ:

Савдо вакилларининг телефонлари: 91-00-58, 74-65-79.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда янги мақолаги «Саодат» журнали ижодий жамоаси ўзбек халқининг севимли санъаткорлари, Ўзбекистон халқ артистлари
Зайнаб СОДИҚОВА,
Ҳабиба ОХУНОВАларнинг
вафот этганликлари муносабати билан марҳумаларнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади. Марҳумаларни Аллоҳ раҳмат қилсин!

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Маҳкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаршида — 3-25-79;
Қўқонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1181 т. 7241 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 00.50. 123456.